

## Амалий машғулот назарий маълумотни онг-у шуурга жойлаш усули

Таълим жараёнини самарали олиб бориш, амалий машғулотларда талабаларнинг фаоллигини ошириш, уларни креатив фикрлашга ундаш ҳозирги кундаги дарсларга қўйиладиган асосий талаблардан биридир. “Ер тузиш ва ердан фойдаланиш” йўналиши 2 - босқич 204 - гуруҳ талабалари билан Дурдона Мустафоева раҳбарлигида “Касбий психология” фанидан амалий машғулотлар ҳам айнан шу талаб асосида олиб борилмоқда.



Талабаларнинг ўз фикрларини теран баён этишлари, берилган топшириқларни ўзаро бахс-мунозара, ролли ўйинлар ва диспут каби педагогик технологияларга таянган ҳолда бажаришларига эришиш, қолаверса, талабаларнинг машғулотлардаги фаоллигини янада ошириш, уларда нутқ маданиятини юксалтириш ва мустақил ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш асосий мақсад этиб белгиланган.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**